

Kirill va lotin

Bu ikki yozuvdagi farqlar

Кирилл ёзувида	Lotin yozuvida
1. Ғ ундоши билан тугаган асосга г ундоши билан бошланувчи қўшимчалар қўшилганда сўзлар қуйидагича ёзилади: <i>Тоғ + га = тоққа</i> <i>Ёғ + ган = ёққан</i> <i>Оғ + гунча = оққунча</i>	G' undoshi bilan tugagan asosga g undoshi bilan boshlanuvchi qo'shimchalar qo'shilganda so'zlar quyidagicha yoziladi: <i>Tog' + ga = tog'ga</i> <i>Yog' + gan = yog'gan</i> <i>Og' + guncha = og'guncha</i>
2. Кирилл алифбосида ўзаги Г ҳарфи билан тугайдиган сўзларга сифатдош шаклини ясовчи -ган қўшимчаси қўшилса, талаффузда ҳам, ёзувда ҳам товуш жарангсизланади. <i>Тегмоқ</i> феълнинг ўзаги <i>тег</i> бўлгани билан, ёзувда фонетик тамойилга риоя қилинади: <i>Тег + ган =</i> <i>Тегган</i> ✗ <i>Теккан</i> ✓ -га, -гач, -гача, -гани, -гунча, -гудек қўшимчалари ҳам шу қоидага бўйсунди. *Лекин ўзлашган сўзлар аслича қолаверади: <i>Педагог + га = педагогга</i> ✓ <i>Стоматолог + га =</i> <i>стоматологга</i> ✓	Lotin alifbosida esa harflar aslicha qoladi, ya'ni talaffuzga ko'ra yozilmaydi, balki morfologik tamoyilga rioya qilinadi: <i>Teg + gan =</i> <i>Tekkan</i> ✗ <i>Teggan</i> ✓

3. Кирилл ёзувида йил ва ойларни кўрсатувчи рақамлардан сўнг чизиқча (-) қўйилмайди: <i>60 йиллар, 1991 йилнинг 1 сентябри.</i>	Lotin yozuvida yil va oylar (sanalar) arab raqamlari bilan yozilsa, -nchi qo'shimchasi o'rniga chiziqcha (-) qo'yiladi: <i>60-yillar, 1991-yilning 1-sentyabri</i> kabi.
4. Рус тилидан ўзбек тилига кириб келган сўзларда юмшатиш белгиси (мягкий знак - ь) бўлса, кирилл ёзувида ёзилган сўзларда бу белги сақланиб қолади: <i>сентябрь, мебель, компьютер, интервью, пьеса, бульон</i> каби. Лекин юмшатиш белгиси сўзнинг охирида келса ва ундан сўнг қўшимча қўшилса, юмшатиш белгиси тушиб қолади: <i>Мебельлар</i> ✗ <i>Мебеллар</i> ✓ <i>Сентябрьда</i> ✗ <i>Сентябрда</i> ✓	Kirill yozuvida yumshatish belgisi (мягкий знак – ь) ishtirok etgan har qanday so'z lotin yozuviga o'tganda bu belgi tushib qoladi: <i>sentabr, mebel, kompyuter, untervyu, pyesa, bulyon</i> kabi
5. Кирилл ёзувида изофалар фақат и шаклида қўшилади: <i>Муросайи мадора</i> ✗ <i>Муросаи мадора</i> ✓	Lotin yozuvida izofalar undosh bilan tugagan so'zlarga i shaklida, unli bilan tugagan so'zlarga yi shaklida qo'shiladi: <i>dardi bedavo</i> <i>nuqtayi nazar</i> <i>tarjimayi hol...</i>

6. Белгининг ортиқ даражасини ифодаловчи, шунингдек, биринчи қисми чиқиш келишигида (-дан), иккинчи қисми эса жўналиш келишигида (-га) бўлган бирикма сўзлар кирилл алифбосида чизиқча билан ажратиб ёзилади: <i>тўғридан-тўғри</i> <i>янгидан-янги</i> <i>текиндан-текин</i> <i>йилдан-йилга</i> <i>кундан-кунга...</i>	Belgining ortiq darajasini ifodalovchi, shuningdek, birinchi qismi chiqish kelishigida (-dan), ikkinchi qismi esa jo'nalish kelishigida (-ga) bo'lgan birikma so'zlar lotin alifbosida chiziqchasiz ajratib yoziladi: <i>to'g'ridan to'g'ri</i> <i>yangidan yangi</i> <i>tekindan tekin</i> <i>yildan yilga</i> <i>kundan kunga...</i>
7. Жуфт сўзлар юкламалар билан ажратилганда чизиқча қўлланмайди: <i>каттаю кичик</i> <i>кечаю кундуз</i> <i>туну кун</i>	Juft so'zlar yuklamalar bilan ajratilganda chiziqcha qo'llanadi: <i>katta-yu kichik</i> <i>kecha-yu kunduz</i> <i>tun-u kun</i>
8. Кирилл ёзувидаги айрим сўзлар имлоси: АТЕЛЬЕ, КУРЬЕР, БУЛЬОН ОБЪЕКТ ПОДЪЕЗД СЪЁМКА ОБЪЁМ АДЪЮТАНТ БИР ОЗ	Lotin yozuvidagi imlosi: ATELYE, KURYER, BULYON OBYEKT PODYEZD SYOMKA OBYOM ADYUTANT BIROZ